


Устоз Анвар Аҳмад домла билан ўтказиладиган «Китобхонлик мактаби» лойиҳасининг навбатдаги сонига ташриф буюринг



09:31 / 21.06.2022 2516

Лойиҳамизнинг бу галги меҳмони шайх ҳазратларининг шогирдлари, «Grand ta'lim» ўқув марказининг узоқ йиллик устози, араб тили мутахассиси, «Олтин силсила» таржимонлар гуруҳининг аъзоси, arabic.uz сайтининг раҳбари, «Риёзус солиҳийн», «Ал-Азкор» ва бошқа қатор асарлар таржимони Анвар Аҳмад устоз бўладилар.

Лойиҳада устознинг «Саодатга етакловчи ҳикматлар» номли китобларининг тақдироти бўлиб ўтади. Ҳозиргача китобнинг 4 жузи чоп қилинган. Навбатдаги жузлар ҳам нашрга тайёрланмоқда.

Маълумот учун, ушбу китобларда arabic.uz саҳифаларига давомий қўйиб келинаётган ҳикматлар жамланган. Бугунга келиб ҳикматлар сони 10 000 тага яқинлашди.

Суҳбат 21 июнь куни соат 11:00 да бошланади.

Манзил: Чилонзор тумани, Сўгалли ота кўчаси, 5-уй

Мўлжал: «Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф» жомеъ масжиди

Телефон: +998712175999